


Ижтимоий тармоқларда покистонликнинг ўлимига кўпчилик ҳавас қилмоқда



12:21 / 16.10.2018 4100

Саудия Арабистонининг Ашер вилоятида жойлашган Биша шаҳридаги масжидлардан биридаги видеокамера намоз вақтида бир кишининг вафот этганини қайд қилган. Бу ҳақда ИА IslamNews ахборот агентлиги хабар берди.

Вафот этган шахс 23 ёшли Обид исмли покистонлик бўлиб чиқди. У Саудия Арабистонида электр устаси бўлиб ишлаган. Ижтимоий тармоқларда масжид қавмининг вафоти муносабати билан таъзия билдиришди.

Хабарда айтилишича, баъзи фойдаланувчилар мусулмон кишининг намоз пайтида Аллоҳ таолога ибодат қила туриб жони узилишини «энг яхши қазо» деб тавсифлашди.

Islam.uz портали таҳририяти